





Электр транспорт воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадида мамлакатимизда қатор янги техник тадбирлар кўрилди. Эскириб қолган трамвай вагонлари, троллейбусларни янги замонавийлари билан алмаштириш ҳам кўзда тутилди.

## ЗАМОНАВИЙ ТРАНСПОРТ ШАҲРИМИЗ КЎРКИ

Шу мақсадда Россия Федерациясидаги вагонсозлик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган янги русумли трамвай ва троллейбусларнинг янги намуналарини Тошкентга олиб келинадиган бўлди. Бу хил транспорт воситалари билан бевосита корхоналарда танишиш мақсадида «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси делегацияси Екатеринбург ва Уфа шаҳарларида сафарда бўлди. «Уралтрансмаш» заводида тайёрланаётган «Спектр», «Бошир троллейбус заводи» корхонасида чиқарилаётган янги типдаги троллейбуслар вакилларимизга манзур бўлди.

Уларнинг айрим нусхалари Тошкентда тажриба-намуна синовидан яхши ўтгач, буюртма бўйича бу хил транспортлар кўплаб олиб келинади.

# СЎЛИМ ВА МАФТУНКОР

Мустақиллик байрами кунигача Шаҳрисабз туманида кўпгина маҳаллалар, хиёбонлар ободонлаштирилиб, халқимизнинг ҳақиқий дам оладиган масканига айлантирилади. Айни кунларда бунинг учун катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Биз туманда бўлганимизда бунга яққол ишонч ҳосил қилдик. Аввало шуни айтиш керакки, шаҳарга кираверишда нигоҳингиз ял-ял ёниб турган анвойи гулларга тушади. Ўзингизни гўё боғи эрамда ҳис этасиз. Турфа гулларга қараб табиатнинг бунчалик мафтункорлигига тасаннолар айтасиз. Гўзаллик сизни ўзига ошно этади.

Туман коммунал хўжалик фойдаланиш корхонаси раҳбари Ҳаким Юлдошевнинг таъкидлашича, шаҳарнинг асосий қисми гулзорларга айлантирилган. Шоҳиста Учқунова раҳбарлигида 25 гектардан ортиқ майдонда гуллар парвариш қилинмоқда.

«Ипак йўли» кўчасида илгарилари транспорт қатнови кўплигидан ҳаракатланиш қийин эди. Бу ноқулайликни бартараф этиш мақсадида Собир Раҳимов ҳамда Файзулла Хўжаев номли кўчалар кенгайтирилди. Бу ишни туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси йўлсозлари амалга оширди. Эндиликда автотранспортларнинг асосий қисми ҳеч бир тўсиқсиз ана шу йўлдан қатнамоқда.

Шаҳарни айланар эканмиз, қўли-гул қурувчилар томонидан бунёд этилаётган замонавий бинолар, турар-жойлар, хиёбонлар диққатимизни тортди.

– Мана бу бино ишга тушгач, ёшларнинг севимли масканига айланади, - дейди туман ҳокимлиги бош мутахассиси Ғайрат Тешаев. – Мазкур академик лицей биноси қурилишини «Сўғдиёна» масъулияти чекланган жамият қурувчилари амалга оширяптилар. 900 ўринли бу илм масканида қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилиши мўлжалланган иншоот шаҳардаги энг кўркам бинолардан бирига айланди. Шунингдек, 100 ўринли талабалар ётоқхонаси қад ростламоқда.

Ёшларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб ўстириш учун, энг аввало, уларга қулай шароитлар яратилиши керак. Яқинда архитектуранинг энг сўнгги ютуқлари асосида қурилиб, фойдаланишга топширилган 1000 ўринли спорт-соғломлаштириш мажмуаси Мустақиллик байрамининг 13 йиллигига муносиб совға бўлди. Эндиликда бу ерда спортга чанқоқ ёшлар машғулотлар олиб боришяпти. «Ҳисор» ўйингоҳи қайта таъмирланмоқда. Бунинг учун 20 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. Спортчилар учун ювиниш ва кийиниш хоналари мавжуд. 10 минг томошабинга мўлжалланган ушбу ўйингоҳдаги таъмирлаш ишлари тугалланиб, байрам тантаналари ўтказилади. Меҳнаткашларни маданий дам олишини ташкил этиш мақсадида «Наврўз» боғида ҳомийлар кўмаги билан 80 миллион сўмлик чўмилиш ҳавзаси қуриб битказилди.

272 минг нафар одам истиқомат қилаётган Шаҳрисабз тумани аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга қулай шароитлар яратиб бериш учун дастур ишлаб чиқилган. Шунга кўра Мироқи қўрғонида бошланган 600 ўринли спорт-педагогика коллежи қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. 531-механизациялашган жамланма қурувчилари томонидан амалга оширилаётган иншоотда ҳозиргача 400 миллион сўмга яқин қурилиш ишлари амалга оширилди. Коллеж қурилиши шу йилнинг ноябр ойигача топширилади.

Туманда иқтисодий ислоҳотларнинг боришидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тузилган дастурга асосан мактабларнинг моддий-техника базаси яхшиланиб, ўқувчиларга қулай шароит яратиб берилади. Шунга кўра 26 та мактаб, 6 та мактабгача тарбия муассасалари, 9 та қишлоқ врачлик пунктлари таъмирланиб, ишга туширилади.

Аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш борасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Йил бошидан буён 15,7 километр узунликдаги тоза ичимлик суви, 19,7 километрлик табиий газ қувурлари ишга туширилди. Байрам кунигача Ўртақўрғон қишлоғи аҳолиси табиий газдан баҳраманд бўладилар. Хуллас, Қашқадарё воҳасининг зумрад гавҳари бўлган Шаҳрисабз истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Шаҳарнинг бош майдони ҳисобланган Амир Темур хиёбони меҳнаткашларнинг севимли масканига айланган.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**

***Суратларда: Шаҳрисабз шаҳрининг бугунги кўриниши.***

### 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

# ИНСОН БОРКИ БАХТГА ИНТИЛАДИ

***Ногиронлар, кўп болали, кам таъминланган оилалар ва шу каби аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ҳимоялаш масалалари «Меҳр ва мурувват йили»даги кўзланган асосий мақсадлар ушбу соҳадаги амалий ишлар билан ҳамоҳангдир.***

Хусусан, вилоятда мавжуд пенсионер ва нафақахўрларга ҳар ойда 3568,5 миллион сўм маблағ ажратилиб, пуллар ўз вақтида тўлаб борилмоқда. Якка-ёлғиз қария ва ногиронларга диспансер кўриги сифати анча яхшиланди. Ҳар бир туманда пенсионерлар билан мулоқот ўтказилиб, бу тадбирнинг самараси муҳокама қилинди. Соғломлаштириш мақсадида эса улардан 764 нафарига сиҳатгоҳларга йўлланмалар тақдим этилди.

Вилоят ҳокимининг фармойишига асосан эса 100 ёшдан ошган онахон-отахонлар рўйхатга олиниб, мустақилликнинг 13 йиллиги муносабати билан уларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. Реабилитация техника воситаларига муҳтож фуқаролар ногиронлар таянма аравачаси, ҳасса, эшитиш мосламалари билан таъминланди. Тиш протезига муҳтож 35 нафар пенсионер ва 19 нафар ногиронлар бепул мосламалар билан таъминланди.

Тегишли соғлиқни сақлаш ва дори-дармон муассасалари билан олиб борилган тадбирлар натижасида пенсионер ва ногиронларни бепул дори-дармонлар билан таъминлаш ишлари анча яхшиланди. Вилоятда ногиронларни аравачалар билан таъминлашда ҳомийлар кўмагида ибратли ишлар амалга оширилиб, ушбу мақсадлар учун 9 миллион сўм маблағ сарфланди.

Йўловчи транспортларида пенсионер ва ногиронларни имтиёзли юришларини таъминлаш борасида Тошкент шаҳри тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, 480 нафар кам таъминланган пенсионерларга ҳар ойда маҳаллий бюджет ҳисобидан пул маблағи тўланиб келинмоқда. Умуман, бугунги кунга келиб, ёлғизларга ҳомийлар ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш кўлами анча ошди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича 5580 нафар кам таъминланган ҳамда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлари ва пенсионерларга 61384,8 минг сўмлик турли ёрдамлар уюштирилди. Бундан ташқари, уларга тенглаштирилган фуқароларга автомобилларга ёқилғи учун имтиёзли пуллар ажратилиб, тўланмоқда.

Қоракўл туманидаги «Мурувват уйи»ни юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш ва уларни белгиланган меъёрларга мослаштириш борасида ҳам ҳокимликнинг бевосита ёрдами ҳамда ҳомийлар маблағлари ҳисобидан телевизор, радиола, компьютер, тикув машинаси ва юмшоқ-қаттиқ жиҳозлар бепул совға қилинди.

«Меҳр ва мурувват йили» дастурига мувофиқ ташкил этилган ишчи гуруҳлари фаолияти бош бошқарма раҳбариятининг доимий назоратида. Дастурга асосан, турли жамиятлар билан биргаликда 20 нафар ногиронни иш билан таъминлаш режалаштирилган эди. Бугунги кунда Бухоро ўқув ишлаб чиқариш корхонасида 2 нафар, кўзи ожизлар жамияти шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмасида 6 нафар ногирон иш билан таъминланди. 2004 йил май ойида Ғиждувон тумани кўзи ожизлар ўқув ишлаб чиқариш корхонасига ногиронлар учун янги иш ўринлари яратиш мақсадида иш билан таъмилашга кўмаклашиши жамғармаси маблағи ҳисобидан 40 миллион сўм кредит ажратилди.

**И.АМОНОВ,**
**Бухоро вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи**

# ДОВОН ОШИБ
## чўққини кўзлаган халқмиз

(Боши 1-бетда)

«Агар айтган пахтасини етказиб бермасак, Россия ёнилғи-мойлаш материаллари беришни тўхтатармиш...» «Аттанг, аттанг, яхши мутахассислар кетиб қолишгани учун Олмалиқ, Мурунтов конларида ишлар тўхтаб қолибди». Сир эмас, истиқлолнинг дастлабки йилларида орамизда ана шу йўсинда фикрлайдиганлар оз эмасди. Эндиликда уларнинг ҳаммаси мулзам бўлиб қолганлиги бор ҳақиқат.

Келинг, бугун ана шу ҳақиқатнинг юзига тик қарайлик ва фикрлашимизда юз берган ўзгаришларга тан берайлик. Биз қурилиш материалларига зор бўлиб қолмасдан, аксинча, қурилиш индустриясини (саноатини) яратдик ва тез суръатлар билан юксалтирдик. Тошкентда қурилиш тўхтаб қолмади, аксинча, пойтахтни бутунлай қайта қурдик, бутун мамлакатда шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартириб юбордик. Биз ўтган йилларда ҳеч қачон бировларнинг ёнилғи-мойлаш материалларига ёки ғалласига муҳтож бўлиб қолмадик, аксинча, нефт ва дон мустақиллигига эришдик. Бу истиқлол берган имкониятнинг самарасидир. Ўзбек дони ва Ўзбекистон бензини бугун мамлакатнинг шаъни бўлиб қолди. Бугун нафақат Олмалиқ, Мурунтов конлари, балки Тошкентдаги авиасозлик бирлашмаси ҳамда Зарафшон, Навоий, Қўқон, Нукус ва бошқа шаҳарлардаги ўнлаб саноатимиз пахлавонлари ҳисобланган корхоналар аниқ маромда ишлаб турибди. Қисқа вақтда Самарқандда ва Асакада автомобилсозликни вужудга келтирдик ҳамда юксалтирдик. Биз кўчага асфальт ётқизиш тугул, ҳатто юзлаб, минглаб километр масофага «пўлат из»лар ётқизишда ҳам, ўнлаб янги ҳаво йўлларини забт этишда ҳам нималарга қодир эканлигимизни кўрсатдик. Биргина Тошкентнинг ўзида бир асрга татийдиган ишлар бажарилди. Бутун Ўзбекистонда эса ўзимизни ва ўзгаларни лол қолдирадиган ўзгаришлар юз берди. Буларни кўриб, одамлар бошқача фикрлайдиган бўлишди. Энди уларнинг фикрида шубҳа, ҳадик, эртанги кунга ишончсизлик йўқ. Аксинча, уларда озод ва обод Ватандан фахрланиш ҳисси кучайиб, эртанги кунга ва давлатнинг келажаги буюклигига ишонч ортиб боряпти. Бу нарса уларга эркин фикрлаш, мулоҳаза юритиш, мушоҳада этиш учун туртки беряпти. Одамларнинг ўй-фикрларида юз бераётган ўзгаришлар ҳам «мустақиллик нима берди?» деган саволга берилган жавобдир.

Ташқи сиёсатимиз хусусидаги гапларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Ўтган ўн уч йилда бизни нафақат Россия ёки АҚШга қарам бўлишда тахмин қилишди, балки Туркия ёки Хитой йўлини танлашда, ғарб ёки араб дунёсига оғиб кетишда ҳам гумон қилишди. Ваҳоланки, ташқи сиёсатда биз ҳеч кимга қарам бўлмадик, ҳеч кимдан нусха кўчирмадик, ҳеч кимнинг орқасидан эргашмадик, аксинча, ўзимизга хос ва ўзимизга мос мустақил йўл танладик. Бу йўл давлатимиз ва халқимиз манфаатидан келиб чиқиб танланган. Биз Туркия билан абадий дўстмиз, АҚШ, Япония ва Россия билан стратегик ҳамкормиз, Хитой билан шундай ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятимиз бор. Ғарб дунёси билан яқинмиз, араб дунёси билан дўстмиз. Жаҳон кун тартибида турган масалалар муҳокамасида фаолмиз ва овоз беришда холисмиз. Жумладан, Исроил бир томонлама қурган девор ноқонуний эканлиги тўғрисидаги масала яқинда БМТ Бош Ассамблеяси мажлисида овозга қўйилганида Ўзбекистон Халқаро Судининг қарорини ёқлаб овоз берди. Бу мамлакатимиз мустақил ташқи сиёсат юритаётганлигини кўрсатади. Биз бир қатор халқаро масалаларда таклифлар ҳамда ташаббуслар билан чиқаётганлигимизни жаҳон кўриб турибди. Демак, бугунги ташқи сиёсатимиз ҳақида холис фикрлаш учун асос етарли.

Ҳаётнинг қайси жабҳасини олманг, истиқлол берган имкониятлар самарасини кўриб турибмиз. Шунга кўра, одамларнинг тафаккур олами ҳам ўзгарди. Улар бошқача фикрлайдиган бўлишди. Яъни, бундан ўн уч йил олдинги ташвишли ўй-хаёллардан халос бўлишди. Бугун биз ўз келажагига ишонган, бошқарув жиловини ўз қўлида маҳкам тутган, довон ошиб чўққини кўзлаган халқмиз. Бугун биз истиқлолнинг истиқболлари ҳақида фахрланишга муносиб халқмиз. Бугун биз ўзимиз ҳақимизда ҳақ сўз айтишга ҳақли халқмиз.

**Иброҳим НОРМАТОВ**



**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

Элликқалъа туман ХТБга қарашли 47-қозоқ тилига ихтисослашган мактабида бу йил 24 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши режалаштирилган эди. Ҳозир қўли гул қурувчилар томонидан охирги лардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

***Суратларда: чилангар Янгибой Рўзимов, бўёқчилар Кумуш Соғиндиқова ва Қувондиқ Рўзметовлар иш устида.***



## КИЧИК БИЗНЕСГА КЎМАК

*Шофирконддаги "Ўзнатурал" хусусий фирмаси "Замин-инвест" компанияси томонидан кўрсатилган молиявий ёрдам ҳисобига лизинг бўйича керакли хориж ускунасини сотиб олди.*

— Фирма маҳаллий бозордаги вазиятни ўрганиб чиқиб, маъданли сув ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор қилди, — деди "Ўзнатурал" МЧЖ директори Иброҳим Жамолов "Туркистон-пресс" мухбирига.

"Замин-инвест" компанияси кўмагида тадбиркорлар жами 75 минг АҚШ доллари миқдорида Россия ва Италиянинг ускуналарини сотиб олдилар. Фирмада 12 дан зиёд маҳсулот турларини ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

## «НЕСТЛЕ»ГА ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Бундан беш-олти йил бурун ушоққина гавдали бу йигит эрта-индин вилоятнинг донгдор фермерларидан бирига айланади, дейишса кўпчилик ишонмаган бўларди. Ҳар бир кишида минг бир имконият ва қобилият бор. Уни юзага чиқарадиган эса меҳнат. Ишнинг кўзини билганга эса омад ёр бўлади. Салимжон Алибоев ўз меҳнат фаолиятини 1992 йилда 15 бош қорамол олиб, 5 гектар ерда озуқа базаси яратишдан бошлади. Қорамолчиликни етти хазинанинг бири, деб бежиз айтмайдилар. Сут, гўшт етиштиришга ихтисослашган «Шодлик» фермер хўжалиги фаолияти йилдан йилга кенгая борди. Биргина 2001 йилда Намангандаги «Нестле» қўшма корхонаси билан тузилган шартномадаги 180 тонна ўрнига 205 тонна сут етказиб берилди. 2002 йилда эса шу корхонага 400 тонна ўрнига 416 тонна сифатли маҳсулот сотилди. Қарабсизки, «Нестле» учун энг ишончли ҳамкорга айланди, ҳам ўзининг иқтисодий имкониятларини кенгайтириб, қаровсиз фермалардан бирини сотиб олишди. Натижада қорамоллар сони сезиларли даражада ўсиб, қарийб 800 бошга етди. Унинг 700 бошдан кўпроғини соғин сигирлар ташкил этмоқда. Фермада нафақат сут, балки гўшт ишлаб чиқариш ҳам анча кўпайди. Шу йилнинг олти ойи мобайнида бу ерда 358 тонна сут, 55 тонна гўшт ишлаб чиқарилди. Хўжаликда ғалла, пахта экиш ва маҳсулот етиштириш ҳам йилдан йилга кўпаймоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 130 гектар ғалла майдонидан 458 тонна сара дон етиштирилиб, шартнома режаси ошиғи билан уддаланди. Ҳозир хўжаликнинг 18 гектар майдонида пахта экилган.

«Меҳнатдан келса бойлик - турмуш бўлар чиройлик», деганларидек, олинган мўмай даромаднинг бир қисми қишлоқларни ободонлаштириш, инфратузилмани шакллантириш, мактаб, боғча, соғлиқни сақлаш муассасаларига ёрдам кўрсатиш, кам даромадли оилаларни қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда. «Шодлик» фермер хўжалиги кўмаги билан маиший хизмат уйи қайта таъмирланди.

Фермер хўжалиги ҳудудида жойлашган «Иттифоқ», «Янгиер» маҳаллалари ҳамда Кўғай қишлоғидаги «Учёғоч» маҳалласига йўл қурилишида амалий ёрдам кўрсатди.

**А.СОҲИБОВА.**

Яқинда Норин тумани ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган қарияларга дастурхон ёзилиб, бир пиёла чой баҳона давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган нуронийлар шукроналар айтиб, бу кунларга эришувнинг ўзи бўлмаганлигини, ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш ва бу борада маҳалла, қишлоқларда ўзлари қўшаётган ҳисса самараси яхши бўлаётганлигини таъкидладилар. Ҳомийлар улашган қимматбаҳо совға ва санъаткорларнинг чиқишлари даврага файз бағишлади.

***Суратда: тадбирдан лавҳа***

**Р.МИРЗАОЛИМОВ олган сурат**

## ШИФО МАСКАНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги арафасида Бекобод туманининг Улуғбек номидаги ширкат хўжалигида иккита қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

- Бу йил туман соғлиқни сақлаш тизими аҳволини яхшилаш учун 370 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди,- дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Ҳусанбой Тўрабеков. - Марказий шифохона ва поликлиникалар капитал таъмирдан чиқарилди, йигирма ўринли тез ёрдам бўлими қурилди.



### Ижтимоий ҳимоя

# ОТАЛАР
## бахтимиз, суянган тоғларимиз

***Ёз ойлари ўқувчилар учун таътил даври бўлса-да, устозлар янги ўқув йилига тайёргарлик кўраётган қизғин палла ҳисобланади. Ўз касбининг фидойилари бу пайтда синфхоналарини таъмирлаш, дарсларни замон талаблари асосида ўтиш учун ўқиб-ўрганиш, иш режаси тузиш билан овора бўладилар.***

Лекин инсон учун ҳаётда энг кераги соғлиқ. Бардам, саломат одамнинггина элга кўпроқ нафи тегади. Шу оддий ҳақиқатни доим ёдимизда сақлаган ҳолда бу йил ҳам туман халқ таълими бўлими билан биргаликда қатор тадбирлар ишлаб чиқдик ва амалга оширяпмиз.

Масалан, шу кунгача 15 нафар ўқитувчи «Кумушкон» дам олиш уйида ҳордиқ чиқарди. «Чинобод» сиҳатгоҳида эса икки нафар педагог саломатлигини яхшилаб қайтди. «Умид гулшани», «Ботаника» сиҳатгоҳларига ҳам истовчиларга йўлланма берилди. Йўлланма харажатининг 60 фоизи туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан қопланди.

Ўқитувчилар фарзандларини ёзги соғломлаштириш бўйича қабул қилинган қўшма қарор ижроси таъминланди. Масалан, 1-мактабда 100 ўринли кундузги оромгоҳ ташкил этилди. Унда соҳа вакилларининг 10 нафар ўғил-қизлари туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан бепул соғломлаштирилди. Шунингдек, туманимиз ва ундан ташқаридаги болалар оромгоҳларида 1270 нафардан зиёд бола мириқиб дам олди. Туман ўқувчилар ижодиёт марказида эса 25 нафар ўқувчи дам олиш билан бирга тўқувчилик, мусиқа, сурат олиш, рақс, пазандалик ва дурадгорлик сирларини ўрганишмоқда. Марказга жонкуяр педагог Покиза Иноғомова раҳбарлик қиляпти ва ҳомийлар кўмагида тез-тез саёҳатлар уюштиряпти.

Мамлакатимизда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга эътибор йилдан йилга кучаймоқда. Қўмитамиз томонидан шундай оилаларга моддий ёрдам беряпти. Болаларни халқаро ҳимоя қилиш куни муносабати билан 33 нафар болага кийим-кечак олиб берилди.

Маълумки, 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган. Бу одат халқимиз қон-қонига сингиб кетган. Буни биргина тармоқ қўмитамиз мисолида оладиган бўлсак, фахрийлар иззат-ҳурматини ўрнига қўйиш мақсадида яқинда яна бир тадбир ўтказдик. Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, сўнг узоқ йиллар ёш авлодга таълим берган ўн етти нафар табаррук устозларни йўқлаб, эсдалик совғалари улашилди. Туман халқ таълими бўлими эса 25 минг сўмдан пул ажратди.

Мактаб ва боғчаларни кузги-қишки мавсумга сифатли таъмирлаш ва тайёрлаш мақсадида илғор жамоаларга совринлар таъсис этганмиз. Туман халқ таълими бўлими билан биргаликда қабул қилинган қўшма қарорга асосан биринчи ўринга муносиб кўрилган жамоага 150, иккинчи ўринга 100, учинчи ўринга эса 50 минг сўмлик мукофот берилади. Бундан ташқари, ҳомий ташкилотлар ҳам уларга ўз совғаларини топширади.

**Шарофиддин ЗУКУРХЎЖАЕВ,**
**Паркент тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси**

# «НАВОИЙДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» ИЧАУ



*Ўзбекистон халқини ва барча соҳа ходимларини Республикамиз мустақиллигининг 13 йиллиги байрами билан чин қалбдан муборакбод этади!*









## «НАВОИЙДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» ИЧАУ

**«Навоийдонмаҳсулотлари» ИЧАУси 2004 йил 23 августда мажлислар залида соат 17.00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.**

Акциядорларни рўйхатга олиш 15.00 дан бошланади.

Йииғилишда иштирок этиш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) бўлиши керак.

Йиғилишда қатнашувчи акциядорлар рўйхати 2004 йил 17август ҳолатидаги акциядорлар реестрига асосан тузилган.

**Навбатдан ташқари умумий йиғилиш куни тартиби:**

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли қарорини бажарилишини таъминлаш ҳақида;

2.«Навоий дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси» масъулияти чеклаган жамиятни «Навоий дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти таркибига филиал сифатида киритиш;

3.Белгиланган тартибда жамият уставига ўзгартириш киритиш, давлат улушини 26%га етказиш ҳамда тасдиқлаш.

4. «Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик уюшмаси балансида бўлган мол-мулклар «Навоийдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти устав фондига ўтказиш ҳақида.

**Кузатув кенгаши**

# Юртимиз узра Озодлик қуёши мангу порлайверсин!

*Оролбўйи томонларда*

# МЎЙНОҚЛИКЛАР

***Меҳр-мурувват халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган муқаддас туйғу. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган амаллар одамлар ўртасида аҳиллик ва иноқлик, меҳр-шафқат фазилатларини мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.***

Мўйноқ Орол денгизининг қуриб бораётган ҳудудида жойлашган. Туманда фуқароларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, экологик вазият туфайли юзага келган табиат қийинчиликларини бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриляпти.

Бугунги кунда туман маркази ва овуллардаги хонадонларда бўлсангиз бир-бирига меҳрибон, ғамхўр ва оқибатли кишиларни учратасиз. Аҳолини ижтимоий муҳофазалашда корхона, ташкилотлар, тадбиркор ва ишбилармонлар билан ҳамкорликда иш кўраётган хорижий жамғармалар ҳам хайрия ёрдамларини дариғ тутишмаяпти. Оролбўйиликлар доимий меҳрибонлик билан қуршаб олинган.

Йил бошидан бери кам таъминланган оилалар, нуронийлар ва ногиронларга 5 миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечаклар етказиб берилди, моддий ёрдам кўрсатилди.

Халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти, «Экосан», «Маҳалла», «Қизил ярим ой», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг кўмаклашишдаги фаолияти анча кучайди.

«Орол оналари ва болаларига» умумхалқ шанбалигида 10 минг киши қатнашиб, ҳашардан тушган маблағ аҳолини ижтимоий муҳофазалашга сарфланди. «Намунали фуқаролар йиғини» кўрик-танловида ғолибликни эгаллаган 4-сонли маҳалла ҳудудида яшовчи ногиронларга 40 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Маҳалла қўмитаси раиси А.Қозоқбоевнинг айтишича, 10 нафар ёлғиз қариянинг ҳолидан хабар олиниб, уйлари таъмирлаб берилди.

«Қизил ярим ой» жамияти туман бўлими ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари томонидан беш марта оммавий тадбир ва шанбаликлар уюштирилди. Тушган маблағ ҳисобидан муҳтож оилалар қўллаб-қувватланди.

Овуллардаги кам таъминланган оилалар, туғиш ёшидаги аёллар шифохона, мактаб ва болалар боғчалари 90 тонна витаминли озиқ-овқатлар, 1,5 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

«Саломатлик» лойиҳаси доирасида кўп миқдорда дори-дармонлар олиниб тиббиёт муассасаларига тарқатилди.

– Меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат қарор топган жойда эртанги кунга ишонч ортади, – дейди меҳнат фахрийси Женис оға Нуримбетов. – Туман ижтимоий таъминот бўлими ва «Қизил ярим ой» жамиятининг патронаж ходимлари, тиббий ҳамширалари вақти-вақти билан ёлғизлар ва сурункали беморлардан хабардор бўлиб, ҳол-аҳвол сўраб туришибди.

Оролнинг шимолий туманида амалга оширилаётган хайрия ёрдамлари етим-есирлар, қария ва ногиронлар кўнглини кўтариб, қалбига бир олам қувонч бағишлаяпти.

**И.ТИЛЛАЕВ**

*Ёзги соғломлаштириш*





# ҚУВОНЧ УЛАШГАН ОНЛАР

Юртимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири бўлган Мингчинорда бўлганмисиз? Катта довон йўлида жойлашган бу ажойиб масканда ҳар куни юзлаб йўловчилар тўхтаб, табиатнинг гўзаллиги-ю, муздек зилол сувидан баҳраманд бўладилар. Унинг «Мингчинор» деб аталишига сабаб бундан анча йиллар илгари экилган чинорлар осмонга қулоч ёзиб, табиатга гўзаллик бағишлаб турганлигидир. Мусаффо тоғ ҳавосидан тўйиб нафас олган одам ўзини ёшаргандек ҳис қилади. Бу ерда келажагимиз эгалари - болажонларни соғломлаштириш масканлари ишлаб турганлиги эса нур устига нур бўлмоқда. Муборак газ конлари унитар корхонаси тасарруфидаги «Ёш алангачи», Шаҳрисабз электр тармоқларига қарашли «Нурафшон», Китоб туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг «Дўстлик», вилоят алоқачилари фарзандлари дам олаётган «Алоқачи» оромгоҳлари ёшлар учун севимли масканга айланган.

Қарийб 10 гектар майдонни эгаллаган «Нурафшон» оромгоҳи ҳар бир мавсумда 240 нафарга яқин болани ўз бағрига олди. Ҳудуддаги саронжом-саришталикни кўриб кўз қувнайди.

— Оромгоҳимизда асосан ёқилғи-энергетика ва кимё саноати ходимлари фарзандлари ҳордиқ чиқаришмоқда. Уларнинг ёзги таътилда қайтадан куч тўплаб, янги ўқув мавсумига тиниқ ақл билан қайтишлари учун қўлдан келганча ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди оромгоҳ раҳбари Аҳадулла Асомов.

Бош етакчи Зуҳра Ҳасанова ва тарбиячи Дилмурод Шоймов ўғил-қизларнинг ҳар бир кунини мароқли ўтказиш учун аниқ дастурлар ишлаб чиқишган. Болалар 8 та гуруҳда малакали етакчиларга бириктирилган ҳолда дам олишмоқда. Улар Қаҳрамон Собиров бошчилигидаги қўли ширин ошпазлар тайёрлаётган таомларни маза қилиб тановвул қилишмоқда.

Дам олиш масканида эрамиздан миллион йил илгари яшаган одамларнинг ҳаётини акс эттирувчи тошдан ясалган буюмлар кўргазмаси ташкил қилинган. Шунингдек, жонли бурчакда турли-туман қушлар сақланмоқда.

**С.ШАВКАТОВ**



Т.МАХҲАМОВ олган сурат

*Китоб, китобхон, кутубхона*

***Китоб бир неча минг йиллар аввал пайдо бўлган ва Қадимги Рим, Миср ва Юнонистонда бўлгани каби бизда ҳам кишилар ўз фикрларини тош, сопол, суяк ва бошқа материалларда ифода этганлар. Кейинчалик қоғознинг кашф этилиши китоб тарихида янги даврни очиб берди. XV асрга келиб Ўрта Осиёда ҳам китоб босиш йўлга қўйилган.***

# ЎҚИШ ЗАҲМАТИНИ ЧЕККАН

## ҲАЁТ ЗАҲМАТИНИ ОСОН ЕНГИБ ЎТАДИ

Маълумки, биз китобларни уларнинг турлари, мақсад – мавзулари ва аҳамиятига қараб ўрганамиз. Бадиий, ижтимоий-сиёсий, қадимий ва шу каби турдаги китоблар орқали ўсиб келаётган ёш авлод, қолаверса, ҳар бир китобхон билим савиясини оширади, тафаккурини ривожлантиради, фикр доирасини кенгайтиради ва маънавий-руҳий озиқа олади. Буюк мутафаккир шоир А.Жомий шундай деган: «Дунёда китобдан ёқимлироқ дўст, ундан ортиқ ғамхўр йўқ, унда юз роҳат бор, ҳеч қачон озор йўқ». Бу борада Сукрот ҳам фикр юритиб, «Фақат бир эзгулик бор – билим ва фақат бир ёмонлик – жаҳолат» деган экан.

Дарвоқе, Жиззах шаҳридаги марказий кутубхона масъул ходимлари томонидан омма ўртасида, турли касбдаги кишилар ҳамкорлигида «Китоб дилга нур беради», «Бадиий адабиётлар – миллий ғоя жарчиси», Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асари, «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» каби мавзуларда суҳбатлар, ёзма ижодий савол-жавоб кечалари ўтказиб келинаётгани таҳсинга лойиқдир.

Йилнинг тўрт фасл манзараларини ифодаловчи фотосуратлар, этюдлар китобхон онги, фантазияси ҳамда фикр доирасини кенгайтириш, китобни эъзозлаш ва қадрлашга ундайди, албатта. Шунингдек, Богарное ва Қўйтош қўрғонида жойлашган кутубхоналар мудирларининг диққат-эътибори мустақил республикамиз учун комил инсонларни тарбиялаш, уларда она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий мафкура ва миллий ғояни меҳнаткаш онгига сингдириб боришга қаратиляпти.

Ғаллаорол туман тиббиёт коллежида эса шонли саналар, муҳим ва унутилмас кунларга бағишлаб китоб ярмаркалари ўтказилаётгани, унда янги адабиёт нашрлари кўргазмалари ташкил этилаётганлиги қувончли ҳолдир. Улуғ шоир ва ёзувчиларнинг юбилейлари олдидан маҳаллий ижодкорлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Энг кўп китоб ўқиган ўқувчилар рағбатлантирилиб бориляпти. Улар ҳар йили Жиззах вилоят китобхонлар кўрик-танловларида қатнашиб келмоқда ва фахрли ўринларни эгалламоқдалар. Бунда коллеж кутубхонаси мудири, олий маълумотли мутахассис Шоҳида Мансурованинг хизматларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Бир неча мисол. Ғаллаорол туманидаги Муллабулоқ қишлоғида яшаган марҳум Абдуқодир Сангиров уйида музей ташкил этган. Ҳозирда уй-музейда араб ва лотин алифболарида чоп этилган кўплаб адабиётлар, газета ва журнал тахламлари сақланаяпти.

Қўйтошлик Саидолим Пирмуҳамедов болалик йилларида фалаж касаллигига чалиниб тўшакда михланиб ётиб қолади. Лекин у бир дам ҳам тушкунликка тушмасдан тинмай бадиий китоблар мутолаа қилиб борди, улар орқали иродасини toблади ва ҳаётнинг нақадар гўзал ва ширин эканлигини англади. У бетоб бўлишига қарамасдан ўрта маълумот олгач, ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университетининг шарқшунослик факультетини сиртдан тугаллашга муваффақ бўлди. Айни кунда унинг шахсий кутубхонасида 5 мингга яқин турли адабиётлар мавжуд.

Туманимизда истиқомат қилаётган меҳнат фахрийлари Байдулла Маматов, Абдурайим Жонибеков, уста тикувчи Яков Ли, ишчи Бахтиёр Ҳасанов каби китобсеварларни кенг китобхонлар оммаси фахр билан тилга олишади.

Ўзим ҳам китоб шайдосиман. Шахсий кутубхонамда 1750 дан зиёд бадиий китоблар бўлиб, ундан фойдаланувчи китобхонлар 55 нафарни ташкил қилади. Уларнинг касби ва ёшлари ҳар хил, лекин биз умумий тил топиб келяпмиз.

Лекин ҳаётда кишини гоҳ қувонтирувчи, гоҳ дилга хиралик солувчи воқеа-ҳодисалар ҳам юз бериб туради. Кунларнинг бирида ён қўшним ўқиш учун бир нечта бадиий китоб сўради. Мен ҳам ҳайрон қолиб, ҳам ички бир қизиқиш билан унинг хоҳишини бажардим. Негаки, унинг бирор марта ҳам бадиий адабиётларни мутолаа қилганлигини билмасдим. Қарангки, орадан уч- тўрт ой ўтгач берган китобларимни зўрға қайтариб олдим. Баъзилар эса умуман қайтариб беришмайди, « Ҳа, шунга ҳам шунчами, ўзи бир китоб бўлса», деб ранжишади ҳатто.

Беихтиёр ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Асқад Мухторнинг «Китобларнинг йиғилгани эмас, ўқилгани ҳисоб» деган ибратли сўзлари ёдга тушади.

Бугунги кунда бозор муносабатларига асосланган иқтисод китобхонни катта адабиётдан бироз бўлса-да, узоқлаштириб қўймоқда. Кундалик радио ва телевидение, интернет, ҳар хил шоулар, турли нодавлат, хусусий нашрлар китобхонни бироз чалғитяпти назаримда. Бироқ китоб – улкан мўъжиза, ундан асло юз ўгирмаслигимиз лозим. Биз қайси касб эгаси бўлмайлик вақти-вақти билан бадиий китобларни мутолаа қилиб турмоғимиз даркор. Кўп китоб ўқиган ҳаётни осон англашини эслатмоқчимиз, холос.

Бас, шундай экан, муассаса, ташкилот ва ўқув юртларидаги кутубхона ходимларининг асосий вазифалари китобхон қалбида халқимизнинг маданий-маърифий, тарихий ёдгорликлари, урф-одатлари ва анъаналарига эътиқод туйғуларини шакллантиришга қаратилмоғи зарур. Китоб, китобхон ва кутубхона ўртасидаги восита - занжир бўшаб кетмаслигига эришибгина маънавий баркамол авлодни шакллантириш мумкин.

**Абдулла САИДОВ,**
**Ғаллаорол туманидаги 78-ўрта мактабнинг биринчи тоифали ўқитувчиси**

## ОЗОД ИСТАМБУЛГА БОРАДИ

Шу йилнинг 4-8 август кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтган эркин кураш бўйича Осиё чемпионатида Нукус шаҳридаги 3-болалар спорт мактаби тарбияланувчиси Озод Эшотаев 85 килограмгача бўлган вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди. У энди Туркиянинг Истамбул шаҳрида ўтажак Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

## ХАЛҚ ТЕАТРЛАРИ КЎРИГИ

Вилоятдаги ҳаваскор театр жамоаларининг кўрик-танлови якунланди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган бу тадбирда Жондор туман маданият саройи қошидаги «Эътиқод» халқ театри ижодий жамоаси саҳналаштирган «Оналар бўзламасин» спектакли биринчи ўринга лойиқ топилди.

Унда диний экстремизм ва терроризмнинг мудҳиш оқибатлари бадиий образлар воситасида талқин этилган. Спектакль сентябрь ойида танловнинг мамлакат босқичида намойиш этилади.

**(ЎзА)**

*Футбол*

# «ПАХТАКОР» ОЛДИНЛАБ КЕТДИ

Футболчи тез-тез майдонга тушиб турсагина очилади. Шу маънода «Пахтакор» таркибида тўп сураётган йигитларга ҳавас қилиш мумкин. Нима кўп, жамоа ўйини кўп. Миллий терма жамоасининг асосини ташкил қилгани ўз йўлига – бундан ташқари, мамлакат чемпиони сифатида халқаро мусобақага ҳам жалб этилган клуб айни вақтда ички чемпионат ва мамлакат кубоги баҳсларини ҳам унутмаслиги керак. Табиийки, буларнинг ҳаммасига улгуриш осон эмас.

Яқинда газетхонларимизга тақдим этилган Олий лига жамоалари иккинчи давра тақвимига кўра «Пахтакор» чемпионат дебютанти «Локоматив» билан 17-тур учрашувини 13 сентябрда ўтказиши белгилаб қўйилган эди. Аммо бу матч анча илгари, яъни 18 августда бўлиб ўтди. Сабаби яна ўша гап: жамоа Осиё чемпионлари кубоги учун навбатдаги ўйинга пухтароқ тайёргарлик кўриши лозим. Бунинг учун эса вақт тиғизлигига барҳам бериш зарур. Айнан шуни инобатга олиб ҳамшаҳарлар муддатидан аввалроқ учрашишга қарор қилдилар.

Гарчанд ўйин муросасиз кечган бўлса-да, маҳорат ва тажриба бобида анча устун бўлган «Пахтакор» футболчилари рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмадилар. Ҳисоб - 4-0.

15-тур учрашувлари эса эртага 21 август куни бўлиб ўтади.

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Пахтакор» | 15 | 14 | 1 | 0 | 50-6 | 43 |
| 2. «Нефтчи» | 14 | 12 | 0 | 2 | 33-15 | 36 |
| 3. «Навбаҳор» | 14 | 11 | 1 | 2 | 39-9 | 34 |
| 4. «Насаф» | 14 | 10 | 1 | 3 | 28-14 | 31 |
| 5. «Локоматив» | 15 | 5 | 4 | 6 | 17-15 | 19 |
| 6. «Трактор» | 14 | 6 | 1 | 7 | 19-28 | 19 |
| 7. «Бухоро» | 14 | 6 | 1 | 7 | 16-27 | 19 |
| 8. «Сурхон» | 14 | 5 | 1 | 8 | 16-22 | 16 |
| 9. «Металлург» | 14 | 4 | 2 | 8 | 15-28 | 14 |
| 10. «Қизилқум» | 14 | 3 | 4 | 7 | 16-26 | 13 |
| 11. «Андижон» | 14 | 4 | 1 | 9 | 15-30 | 13 |
| 12.«Сўғдиёна» | 14 | 4 | 1 | 9 | 11-27 | 13 |
| 13. «Машъал» | 14 | 3 | 2 | 9 | 17-25 | 11 |
| 14. «Самарқанд-Д» | 14 | 2 | 0 | 12 | 13-31 | 6 |

***Кейинги пайтларда банкларимиз фаоллик кўрсатиб, депозит («депозит» – лотинча сақлаш учун берилган буюм, нарса маъносини англатади). Ҳисобларига маблағларни жалб қилмоқда. Бунда банк шартнома асосида муайян муддат ичида маблағларни «сотиб» олмоқда. Депозит ҳисоби бизда тор маънода ишлатилиб, маълум бир муддатга жалб қилинган маблағларга нисбатан қўлланилади. Аслида барча ривожланган мамлакатларда ҳисоб-китоб жорий ҳисоблар ҳам депозит ҳисоблар қаторига киритилади.***

## СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Мамлакатимиз банклари дунё банк амалиётида кенг қўлланиб келаётган баъзи муаммоларни ўзлаштиришга киришди. Лизинг ва факторинг шу жумладан.

«Лизинг» аслида инглизча сўз бўлиб, ижара маъносини билдиради. Бунда машина-механизмлар, транспорт воситалари, бинолар ва ҳақазолар банк орқали маълум муддатга ижарага берилади.

Лизинг XX асрнинг 50-йилларининг бошларида АҚШда, 60-йиллардан бошлаб Ғарбий Европа мамлакатларида қўллана бошланди. Бундай муаммоларни махсус лизинг компаниялари йирик тижорат банклари амалга оширади. Лизинг компанияси бозор коньюктурасини ва хўжаликлар эҳтиёжини ва имкониятларини билган ҳолда турли хил замонавий ашё ва жиҳозларни сотиб олиб, одатда 2-5 йилга ва кўпроқ муддатга ижарага беради.

Лизинг ҳар икки томон учун фойдалидир.

**А.АЛИЕВ тайёрлади**



*Болалар спорти*

## БОҒЧАДА СУВ ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги бошланғич таълим-тарбия марказида тўрт ёшдан ўн бир ёшгача бўлган 240 нафар бола тарбияланади. Уларга мураббий, тарбиячилар меҳрибонлик кўрсатишади. Таълим беради ва тарбиялайди.

Бу ерда болажонларга барча шароит яратилган. Айниқса, улар туман ва шаҳар миқёсидаги ўтказиладиган турли тадбир, танловларда фаол иштирок этиб келмоқда. Шаҳар миқёсида бўлиб ўтган «Севимли ўйингоҳ» кўрик-танловида боғча-мактаб жамоаси иккинчи ўринни эгаллашди.

Яқинда ёзнинг иссиқ дамларида боғча-мактабда сув ва спорт байрами бўлиб ўтди. Мазкур тадбир қизиқарли, ўйин-кулгига бойлиги билан болажонлар қалбида ўчмас из қолдирди.

**Суратда: байрамдан лавҳа.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

*Жума ўгитлари*

***Маҳмуднинг галдаги Деҳлига сафари ҳинд халқининг миллий байрамига тўғри келибди. Бундай айёмларда турли савдо расталари, халқ сайиллари, ҳар хил томошалар, мусобақалар уюштирилар экан. Маҳмуднинг шаҳар четидаги саройлардан бирига тушганини эшитган султон уни эртанги курашда иштирок этиши ва ёш сарой полвони билан беллашишини сўраб одам юборибди. Маҳмуд ёш баҳодирнинг иззат-нафсига шикаст етказишни ўзига эп кўрмай, бу илтифотни рад этибди. Ўз марҳамати қабул қилинмаганини эшитган султон ғазаб отига минибди. Мулозимлар бу хабарни Маҳмудга етказиб, курашда иштирок этишини ўтиниб сўрабдилар. У розилик билдирибди.***

# ПАҲЛАВОН МАҲМУД

Одатда мусобақалардан олдин Маҳмуд мусофирлар мозори, улуғларнинг қадамжоларини зиёрат қилар экан. Ўша кеча ҳам шаҳардаги қабристонни зиёрат қилиб юрса, бир аёл эрининг қабрини қучоқлаб: «Эй Худо, икки болам ва эримни олдинг, эртанги кун майдонда ёлғиз ўғлимнинг қўлини баланд қилгин» деб нола чекаётган экан. Маҳмуд бу хотин султон саройидаги паҳлавоннинг онаси эканлигини сезибди.

Эртаси кун кураш майдонида Маҳмуд ўзини ғоятда заиф ва лапашанг қилиб кўрсатибди. Ёш баҳодир икки-уч даврадан кейиноқ Маҳмудни чирпирак қилиб кўтариб урибди. Султон бу ғалаба шарафига катта зиёфат берибди. Тантаналардан сўнг ҳоким бошчилигида аркони давлат, барча хизматкорлар, меҳмонлар филларга миниб ўрмонга овга жўнашибди. Чангалзорлар орасидан кетаётганда бехосдан султон тахтиравони ўрнатилган фил ботқоққа ботиб қолибди, кўп уринишибди, филни лойдан чиқаза олишмабди. Шунда Маҳмуд хизматкорларига филнинг олдинги оёқлари орасини ковлаб бўшатишни буюрибди. Шундай қилишибди. Бўшлиққа катта бир кундани ташлабдилар. Маҳмуд ана шу кунда устига тушиб, фил оёқлари орасига елкасини қўйиб, бир зўр билан икки оёғини ботқоқдан бўшатибди, фил ўзини ўнглаб, ҳалокатдан қутулибди.

Ҳамма меҳмоннинг қудратига офаринлар айтибди. Овдан сўнг яна зиёфат бошланибди. Гап орасида султон Маҳмуддан:

– Кеча майдондаги заифлигингиз билан бугунги жасоратингизни қандай тушунса бўлади, - деб сўрабди.

– Эй олиҳиммат султон! Бу йигит бир беванинг ягона фарзанди, истиқболи порлоқ паҳлавон, лекин ҳали тажрибасиз. Мен у билан олишиб, майиб қилиб, умрига зомин бўлишни истамадим. Аммо сиз ғазабланганингиздан сўнг кураш тушишга розилик бергандим, - дебди у.

Машҳур файласуф олим, инсонпарвар шоир Паҳлавон Маҳмуд Пурёрвалий 1247 йили Хива яқинида пўстиндўз оиласида дунёга келган. Кўҳна Урганч ва Хива мадрасаларида таълим олади, турли билимларни пухта эгаллаш билан бирга жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланади, миллий кураш қоидаларини ўрганади. Йигитлик палласидаёқ кураги ерга тегмаган баҳодир, нозик дидли шоир сифатида шуҳрат қозонди. У Шарқнинг деярли барча мамлакатларида бўлиб, мусобақаларда қатнашди, фақат зафар қучди, тушган инъом-эҳсонларни, соврин, мукофотларни бева-бечораларга улашиб бериб, ўзи ота касби пўстиндўзлик билан кун кечирди. Паҳлавон Маҳмуд 1325 йили она шаҳрида вафот этган. Ҳамшаҳарлари унинг қабри устида муҳташам мақбара тикладилар. Ҳозир бу мақбара меъморий ёдгорлик сифатида давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Паҳлавон Маҳмуд дин назарияси – фиқҳ, фалсафа ва мантиққа доир бир неча рисолалар ёзган. Рудакий, Ибн Сино, Умар Ҳайём анъаналарини давом эттириб, рубоийлар битган. Шеърларида Пурёрвалий ёки Қитолий тахаллусларини қўллаган. Шоир ўз рубоийларида чин инсоний севгини бетакрор нозикликда тасвирлайди, янги бадиий-тасвирий воситалар ишлатади: зулм-зўрликни, тамагирлик, пасткашлик, риёкорликни қаттиқ қоралайди; ҳалоллик, инсонпарварлик, мардлик ва маърифатни олқишлайди, кишиларни дўстликка, ҳушёрликка, илм ўрганишга даъват этади; айрим рубоийларида замонасидаги тенгсизлик, жабр-ситамдан шикоят қилади; меҳнаткаш халқнинг оғир ҳаётига ачинади; ҳақиқий ишқни тараннум этади, жавонмардлик ғоясини тарғиб қилади:

***Ҳар ёқдан ғам отган тошни кўраман,***
***Кўз очсам, чимрилган қошни кўраман.***
***Қачонгача поймол этиб фикримни,***
***Тизза кўзгусида бошни кўраман.***

Номардлик, пасткашлигу нодонликни қоралаган шоирнинг қуйидаги рубоийси ҳам ибратомуздир:

***Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,***
***Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,***
***Ёйики бир аср зиндонда ётмоқ.***
***Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.***

Шарқнинг буюк мутафаккири Абдураҳмон Жомий «Силсилат уз захоб» – «Олтин занжир» достонида Паҳлавон Маҳмуд рубоийларига яқин шеърлар битган, унинг ғояларини ўзига хос йўсинда давом эттирган. Демак, Жомий жавонмардлик ақидасидаги Паҳлавон Маҳмуд ижодини билган ва қадрлаган.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаган**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.55

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 123456